## иккинчи бўлим

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## **452** Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини кенгайтиришга оид қушимча чора-тадбирлар туррисида

Экспорт товарлар ҳажми ва номенклатурасини янада кенгайтириш, рақобатбардош, экспортга йуналтирилган маҳсулотларни ишлаб чиҳараётган корҳоналарни рағбатлантиришни кучайтириш маҳсадида:

- 1. 2015 йилнинг 1 сентябридан товуқ панжаларини (ТИФ ТН 0207 13 990 9, 0207 14 990 9, 0210 99 800 0 кодлари буйича), шунингдек узи ишлаб чи-карган сухари, қовурилган бурда нон ва шунга ухшаш қовурилган маҳсулотларни (ТИФ ТН 1905 40 коди буйича) экспорт қилишга рухсат берилсин.
- 2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рагбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўгрисида» 1997 йил 10 октябрдаги ПФ—1871-сонли Фармонининг 4-иловасига иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.
- 3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

## Узбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш., 2015 йил 24 август, ПФ-4747-сон



34 (690)-сон

452-453-моддалар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 августдаги ПФ−4747-сонли Фармонига ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рагбатлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўгрисида» 1997 йил 10 октябрдаги ПФ−1871-сонли Фармонининг 4-иловасига киритиладиган ўзгартишлар

1. Иккинчи сатр қуйидаги тахрирда баён этилсин:

2.	Нон-булка махсулотлари* (ўзи ишлаб чи-	1905
	қарган, хамирдан тайёрланган қандолат мах-	
	сулотлари, пирожнийлар, печеньелар, суха-	
	ри, қовурилган бурда нон ва шунга ўхшаш	
	қовурилган маҳсулотлардан ташқари)	

2. Бешинчи сатри қуйидаги тахрирда баён этилсин:

5.	Гўшт ва унинг озикбоп кушимча махсу-	0201 — 0210 (0207 53 000,
	лотлари	шунингдек ТИФ ТН
		0207 13 990 9, 0207 14 990 9,
		0210 99 800 0 кодлари бўйича
		товуқ панжаларидан ташқари)
	Уй паррандасининг* озиқбоп қушимча мах-	0207 53 000
	сулотлари	